

## УСТОЗЛАРНИ ЭСЛАБ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат  
музейининг катта илмий ходими  
“Шуҳрат медали” соҳибаси Зулфия Комилова*

Ҳалигидек ёдимда, мамлакатимиз мустақилликка эришган ilk йиллар эди. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи “Наманган ўлкашу-нослик музейи номи билан юритилган вақтлар. Мустақилликни биламиз дастлабки кунлари осон бўлмаган. Ҳозирги имкониятлари мўл давлатга айланганимизча барча соҳаларда кўплаб муоммоларни ечишга, уларни бартараф этишга тўғри келганди. Музей деган табаррук даргоҳга ишга қабул қилинганимда ўзгача ҳиссиётларни бошимдан ўтказганман. Номи Наманган зиёлийлари орасида ҳанузгача сақланиб қолган Ҳабиб Сайдулла таҳаллуси билан “Наманган булбули” номини олган Ўзбекистон ҳалқ шоири, адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими бўлган Сайдуллаев Ҳабибулло, устозимиз Наманган маданияти соҳасини ислоҳ этишдаги кўплаб ишларни амалга оширишда меҳнат қилган эди. Унинг дастлабки сабоқ олган йилларига назар ташласак, Тошкент университетининг журналистика факултетини туганган. Бўлажак шоиримиз мактаб ўқувчиси бўлган даврданоқ, шеъриятга кўнгил кўйган ва унинг кичик-кичик шерълари шаҳар ва вилоят газеталарида чоп этилиб тургади. Университетнинг талабалик йилларида ҳам ижодини мукаммаллаштириб боради ва ўзбек адабиёти намоёндалари бўлган Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Нодим Номонгоний, Ҳилватий, Фурқат кабиларинг ижодларини ўрганишда давом этганди. 1966-йилларда “Наманган ҳақиқати” газетаси адабий ходими, 1971 йилларда “Муштум” ҳажвий журнали мусахҳиҳи вазифаларида ўз вазифаларини мукаммал бажарганлиги эътироф этиб келинади. Шоирдан бизга “Океандан шабода”, “Баҳор билан сухбат”, “Эҳтиром”, “Кўчамдан жанон ўтганда”, “Косонсой карвонлари”, “Нур қадри” каби ўнлаб шерий тўпламлари мерос бўлиб қолди. Унинг турли мавзудаги шерлари ҳофизларимиз томонидан севимли қўшиқларимизга айлангани бежиз эмас. Шоир фақатгина шеърий мавзуларнигина эмас, балки достончиликда ҳам ижод этган эди. Масалан унинг “Усмон атлас”, “Замин садоси”, “Еттинчи қитъа”, “Эътиқод”, “Чуст ривояти”, “Адаб тақдири”, “Жаро-ҳат” каби достонлари ва “Юсуф ва Зулайхо”, “Мехр қуёши” драмалари, комедия жаниридаги асарлари театрларимизда сахналаштири-либ ҳалқимизга тақдим этилган. Наманганинг атлқли шоири Ҳабиб Сайдулланинг ватан тўйғуси, садоқат, ота-боболар хотираси, табиат, миллий урф-одатлар, ишқ-муҳаббат каби мавзулардаги барча ижод наъмуналари ҳозирги кунда ҳам адабиётимиз равнақи учун хизмат этиб келмоқда десак муболаға эмас. Ҳабиб Сайдулланинг маданият бошқармаси раҳбарлиги

вақтида музейнинг экспозитцияларини боитиш, янги кўрганмалар ташкил этиш, мукаммал экспозитцион режанинг илмий тадбиқ этилиши борасида жуда катта ишларни амалга оширилган. Наманган вилоят маданияти тармоқларида изчил силжишга шоирнинг меҳнатлари юксак бўлган. Отамнинг қадирдони бўлгани учун шоирнинг мўжазгина ҳовлисига бир неча маротаба отам билан боришига тўғри келган. Шоир меҳмондўст, сеҳирли сўзлар устаси бўлиш билан бирга, ҳожатбарор, инсонлар учун доимо ёрдам берувчи, ҳаёт йўлларини топишларида кўмакчи инсонлардан бири бўлган. Менинг ҳам мезей жамоаси аъзоси бўлишимга шоир сабабчи бўлганди. Шоир музейнинг “Санъат бўлими” бошлиғи бўлган бўлажак устозим Акпаров Асқарали Одамшоевич билан менга устозлик қилишини билдирганди. Асқарали Акпаров Ўш вилоятининг Янгийўт тумани Каравон қишлоғида таваллуд топганди. Ўзбекистон халқ устаси мақомини 2000 йилда тақдирланган. 1975 йилдан Кўқон бадиий ишлаб чиқариш устахонасида наққошлар бригадасига бошчилик қилган. 1982- йилдан эса Наманган бадиий устахонасида амалий санъат бўлими бошлиғи вазифасига тайинланган. Музейда 1989 -1998-йиллари санъат бўлими бошлиғи бўлиб, сўнгра уни Ўзбекистон Бадиий Академияси Наманган вилояти ижод-корлар уюшмаси раҳбарлигига ўтказилган. Ушбу йилларда бу наққош уста томонидан миллий ва замонавий бинолар безаги ислимий ва гриҳ мужассамотидан фойдаланган ҳолда Наманган “Пахталиkkўл санаторияси”, вилоят ўлкашунослик музейи, Тошкент “Мовий гумбаз” чойхонасихалқлар дўстлиги саройи ва шунингдек 60 дан зиёд хориждаги жамоат биноларини безашда қатнашганди. Жумладан: Нижнекамск шахридаги “Маданий марказ” биноси, Мамадиши шахридаги “Миллий анъаналар уйи”, М.В. Ломаносов номидаги МДУ нинг “Классик панциони”ни, Қозон шахридаги “Катта Атня” жоъме масжидини, Уфадаги “Булғор” савдо марказларини наққошлиқ ишларини Асқарали Арпаров томонидан бажарилиб, ўзбек наъвоюши номини эъзозлашги хисса қўшганди. Наққошнинг ижод йўлига назар ташланса, наққошлиқ, ганчкорлик, кулолчилик, чиннисозлик, бадиий буюмларни безаш, каллиграфия, минатура ва санъатшушослик каби турларини мукаммал эгаллаган ижод ахли вакилларидан бўлганди. Бу ижодкар ижод билан биргаликда ўзининг билимларини ёш авлодга қолдириш мақсадида, НамДу талабаларига университетнинг “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедрасида сабоқ берган. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг кириш фоесининг шифт ва деворлари келган барча зиёратчиларни маҳлиё этади. Бу ганч ўймакорлик санъатини ўзида мужассам этган гачч утаси Асқарали Акпаров бўлади. Музейнинг барча илмий ходимлари музейнинг кириш залидан токи кўргазмалар залларини таништириш яъни экскурсия хизмати кўрсатишни мархум музей илмий ходими Эркин Қорабоев Собировичдан ўрганган десак муболага эмас. Устоз ўзбек-рус тилларида турли ёшдаги зиёратчиларга соатлаб экскурсия хизмати

кўрсатарди. Унинг ҳаёти батамон ўрканинг тарихини тарғиб этиш билан ўтган десак тўғри бўлади. Унинг муаллифлигида вилоят туманларида жойлашган барча мавжуд музейларда Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонун, ҳукумат Қарорлари, Низомларини жорий этишида “Музей-маънавий-маърифий маскан”, “Музейшуносликнинг долзарб масалалари”, Музейларга оид миёрий хужжатларни юритиш” мавзуларида симинарлар ташкил этилган, шунингдек услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. Ушбу қўлланмалар ҳозирги кунларда ҳам музей фаолиятини юритишида кўмакдаш бўлмоқда. Устозни таниган борки ундан бирор бир саволига жавоб олмаган бўлса. Шу боис бўлса керакки ҳамма Эркин акани “Жонли энциклопедиё” деб аташарди. Бунинг ўзига яраша ижобий маъноси бор. Давлатимиз томонидан “Шухрат мелали”, 2006 йил май ойида Қарши шахрининг 2700 йиллигига “Энг яхши сайрбон”, Марғилон шахрининг 2000 йиллиги юбелейида эса “Энг ноёб экспонат эгаси” наминациялари, 2019 йилда маданият ходимлари орасида биринчи бўлиб, “Маданият ва санъат фидоиси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Устозларимиз орасида миллий тарихимизни чуқур биладиган, музей фахриси, рамзий маънода айтганимиздек “Жонли энциклопедия” ларимиздан яна бири устоз Эркин Мирзаалиев Юнусович эдилар. Икки устозни бирга кўрган ҳамкаслар ҳазиллашиб “Ижод ахли сухбатда” деб кулиб қўйишар эди. Музейнинг ҳозирги кундаги раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Иброҳим Юсупов томонидан Эркин Мирзаалиевни ишга таклиф этилганди. Чунки бу вақтда музейга Мирзаалиевдек тарихчилар жуда зарур эди. 2004 йил иш бошлаган бу устоз томонидан музейнинг тарих бўлими экспозитциясининг экспозитцион режаси қайта ишланди ва экспозитция янгитдан ташкил этилди. Бу музейга ташриф буюрувчиларнинг сонини, қизиқишлигини янада ошириди. Давлатимиз унинг ҳизматларини инобатга олиб, тарих фанлари номзони, доцент “Олий таълим фидоиси” кўкрак нишони ва бир неча бор Ўзбекистон Маданият вазирлиги, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Бундан ташқари устоз мустақилликнинг 14 йиллигига вилоят ижодкорларининг “Энг улуг, энг азиз” кўрик танловининг совриндори ҳам бўлган эдилар. Мехнат фаолияти давомида Наманган Давлат Университетида “Умумий тарих” кафедраси доценти, ””Ўзбекистон тарихи” каедраси мудири лавозимларида ишлаб, талабаларга сабоқ берган фидои инсон эди. Музейдаги иш фаолияти давомида “Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар”, ”Тарих-маънавият кўзгуси”, ”Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи: кечака ва бугун” каби 20 дан зиёд китоблар, рисолалар, илмий-услубий қўлланмалар, 100дан кўпроқ илмий-оммабоп мақолалар муаллифи эди. Бу азиз устозимизни афсуски бешавқат ўлим 2015 йилда айни ижоди, илми гуллаган вақтида орамиздан олиб кетди. Музейнинг мустақиллид давригача ва ундан кейинги вақтларидаги тарихий манбааларига назар ташлайдиган бўлсак, юқорида эслаб ўтилган устозлар қаторида яна бир неча музей учун яшаб

ўтганлар бўлган.Музей фаолиятида ягона илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва раҳбар бўлган Муҳаммадиева Саида Султоновна ЭРКИНЖОН Қорабоев билан музейнинг иккинчи қаватида мукаммал экспозитцион режалари асосида “Табиат бўлими” экспозитциясини ташкил этишди.Хозирги кунда барча ёшдагиларни севимли экспозитцияси бўлган “Табиат бўлими” экспозитцияси диораммалари ўша даврда вилоят табиатини акс эттирган кўринишга келтирилганди.Аёл раҳбарнинг ишбилармонлиги музей жамоасини ҳам серғайрат этишга унданаган эди.Жумладан:ҳазина бўлими мудири бўлган Т.Бойхонбоев ва Қодирова Турдихон опалар музейдаги экспонатларни тадбиқ этиш,илмий ўрганиб чиқиш,мавжуд экспонатларга аниқлик киритиш ишларини Муҳаммадиева Саида билан фидокорона тарзда бажаришганди.Албатта Наманган музейи бугунги мақомга эришгунга қадар бир аср вақт ўтди ва бу аср давомида хозирда орамизда йўқ яна кўплаб музей фахрийлари хизмати сиганлигини эътироф этишимиз даркор.Масалан музейнинг асосчиси Иванов Владемир Иванович,музей раҳбаридан-1927-1937-йилларда Иномжон Низомбаев,1937-1952 йилларда Ҳайдар Зокиров,1952-1960 йилларда Набижон Аҳмедов,1978-1979 йилларда Икромжон Акбаров каби музей раҳбарлари томонидан илмий ходимлар ташабbusлари билан маҳаллий аҳолидан турли ўзбек миллий хунармандчилиги буюмлари наъмуналари,тарихий ахамиятга эга бўган шахсларнинг хужжатлари,мусаввирлар асарлари музей жамланмасига олиб келинган.Доимо хотирамизда бўлган устозларнинг музей учун қилган хизматлари доимо маънавий бойлигимиздир.Ёш авлодга таълим-тарбия беришда, аждодларимиз меъроси билан таништиришда устозларимиш ёрқин йўлни кўрсатиб кетишган.Юқорида эслаб ўтган устозларимиз тўғри хозирда орамизда йўқ.Лекин уларнинг бига қолдирган илмий ўғитлари хар доимо ёнимизда ва ёдимизда.!Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир” деган ибора хеч қачон эскирмайди.Чунки неча асрлар ўтса ҳам аждодларимизнинг меъроси бизгача етиб келган экан,бу ноёб меъросимизни келгуси авлодга етказиб бериш ҳаммамизни бурчимиз бўлиб қолаверади.Ёшариб бораётган янги Ўзбекистон келажагини нафақат Наманган вилояти музейи,балки мустақил янги Ўзбекистоннинг тарихи ва истиқболини дунёга танитувчи маданияти ва маънавиятидан дарак берувчи омилларимизни меърос қилиб қолдирган устозларимиз хотираси олдида доимо таъзимдамиз.

### Фойдаланилган адабиётлар.

- 1.”Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”-1-11-боблари.
- 2.”Камолот фасли”-Жамолиддин Муслим,2005 йил.
- 3.”Маънавий мерос фидоилари”- Нигора Мўминова-2021-йил.